# ДАРВОЗАБОННИНГ ТЕХНИК- ТАКТИК ХАРАКАТЛАРИ ВА ТАЙЁРГАРЛИГ ХУСУСИЯТЛАРНИ ЎРГАНИШ

**Артиқов Асқар Акбарович**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси
**Абдусамадов Нурмуҳаммад Ҳусниддинович**
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети 51-20 гуруҳ талабаси

https://doi.org/10.5281/zenodo.7379637

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада миллионлар ўйини футболда техник ҳаракатлар,қарши ҳужум,ўйинчиларнинг ўйинга тайёргарлик жараёнларини кўриб чиқамиз,қарши ҳужумларнинг уюштирилиши ва ҳимояга жиддий тайёргарлик кўриш жараёнини кузатиш мумкин.*

***Калит сўзлар:*** *ҳужумчи, техник хатолар, дарвозабон техникаси, жарима майдони, жавоб ҳужум.*

## ИЗУЧЕНИЕ ТЕХНИКО-ТАКТИЧЕСКИХ ДЕЙСТВИЙ И ПОДГОТОВИТЕЛЬНЫХ ХАРАКТЕРИСТИК ВРАТАРЯ

***Аннотация.*** *В этой статье мы рассмотрим технические действия, контратаку, процессы подготовки игроков к игре, организацию контратак и серьезную подготовку к защите можно наблюдать в этой статье.*

***Ключевые слова:*** *нападающий, технические ошибки, техника вратаря, штрафная площадь, контратака.*

## STUDY OF THE TECHNICAL-TACTICAL ACTIONS AND PREPARATION CHARACTERISTICS OF THE GOALKEEPER

***Abstract.*** *In this article, we will look at technical actions, counter attack, players' preparations for the game, the organization of counter attacks and serious preparations for defense can be observed in this article.*

***Key words:*** *striker, technical errors, goalkeeper's technique, penalty area, counter attack.*

**Долзарблиги.** Футболда дарвозабоннинг ўрни жудаям муҳимдир. Чунки дарвозабон ярим команда деб ҳам бежизга айтишмиди, дарвозабон қанчалик кучли ўзига ишонган бўлса команда ҳам шунчалик кучли ўйнайди. Дарвозабонлар ўйин пайтида ўзига ишониб туришлари керак. Кўп холларда дарвозабонлар ўзига ишонмасдан, асабийлашиб туришади буни оқибатида команда мағлубиятга учраши мумкин.

Даврвозабонниг ўйин техникаси майдон ўйинчисининг ўйин техникасидан тубдан фарқ қилади. Бу дарвозабонга қоидага биноан жарима майдони ичида қўл билан тўп ўйнашга рухсат этилгани билан боғлиқдир. Қуйидаги приёмлар группаси дарвозабоннинг ўйин техникасига киради: тўпни илиб олиш, қайтариш, ўтказиб юбориш ва ташлаш. Ўйинда шериклар ва рақиб жамоаси ўйинчиларнинг қаерда турганига, шунингдек тўп ҳаракатининг йўналиши, траекторияси ва тезлигига қараб дарвозабон ҳаракатининг хилма-хил приёмлари. Усул ва турлари қўлланилади. Ўйин жараёнида дарвозабон майдон ўйинчиси ихтиёридаги керакли техник приёмлардан фойдаланади.

**Мақсади.** Дарвозабонларнинг ўйин пайтидаги ўрни ва аҳмятлари ўрганишдан иборат.

Дарвозабонлар бўйича фикрларни таҳлил қилишда адабиётлар таҳлилидан фрйдаландик. Техник приёмларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан дарвозабоннинг ҳаракатга қанчалик тайёр турганлиги билан белгиланади. Дарвозабоннинг тўғри дастлабки ҳолатда бўлиши унинг ҳаракатга тайёр эканлиги омилларидандир. Бундай дастлабки ҳолат оёқларни елка кенглигида кериб, сал букиб туриш билан характерланади. Ярим букик қўллар кўкрак баландлигида олдинга узатилади. Кафтлар олд томон ичкарига қараган. Бармоқлар сал бўшаштирилган. Дастлабки ҳолатнинг тўғри бўлиши дарвозабонга оғирлик маркази қўлини тезлик билан таянч сатҳидан ташқари чиқариб олиб, лозим бўлган ҳаракатларни оддий, жуфтлама ёки чалиштирма қадам ташлаб, сакраб ва йиқилиб бажариш имконини беради. Рақибининг якунловчи зарбаларидан дарвозани бевосита ҳимоя қилишда дарвозабон қуйидагиларга риоя қилиш керак: 1. Позиция танлаш. Тўғри танланган позиция дарвозабонга энг кам куч сарфлаб, рақиблар дарвозага йўналтирган тўпларни ишончли қабул қилиб олиш имконини беради. Бунда ҳужум қилаётган команданинг тўпни бошқараётган ўйинчиси ҳолатини, яъни қандай бурчак ҳосил қилиб зарба берилишини ҳисобга олиш зарур. Бурчак қанчалик ўткир бўлса (масалан, рақиблар жамоасининг ўйинчиси қанотда дарвоза чизиғига етиб колса), дарвозабон тўпни эгаллаб турган ўйинчи томондаги устунга шунчалик яқинлаша боради. Марказдан ҳужум бўлганда дарвозабон нишонга уриш бурчагини торайтириш ва дарвозанинг исталган бурчагига йўналтирилган тўпни олишни осонлаштириш учун бир оз олдинроққа чиқиши керак. Позицияни яхши танловчи дарвозабон тўпга камдан-кам йиқилиб ташланади. Бу эса ҳужумчи гўё дарвозабонни пойлаб тўп йўналтиргандай таассурот ҳосил қилади. Худди шунинг ўзи позиция танлай билишга берилган энг юксак баҳодир. 2. Қайси ҳужумчи қандай йўналишда зарба беришни яхши кўришини билади. Тажрибали дарвозабонлар рақиблар ҳаракатини синчиклаб ўрганиб, баъзан ҳар қайси етакчи ҳужумчига картотекадек бир нима тузиб борадилар. Бу умумий қонуниятларгагина эмас, балки мазкур муайян рақибнинг хусусиятларига асосланиб позиция танлашни кўп жиҳатдан осонлаштиради. Шунинг учун дарвозабон гоҳида «тўғри позиция»дан у ёки бу томонга кўпроқ силжиб мантиқан тўғри қилади. 3. Ўз ҳаракатларининг кучли ва заиф томонларини билиш. Айрим ҳолларда дарвозабон йиқила туриб тўп олиш қулайроқ томонда дарвозанинг каттароқ қисмини қолдиради. Бу ҳол дарвозанинг каттароқ қисмини тўсиш учун энг қулай позиция танлаш имконини беради. Жой танлашни такомиллаштириш узвий суратда тренировка қилишни, ҳар бир матч давомида йиғинчоқликни, ниҳоятда эътибор билан ўйнашни, босиқлик ва шошилмасликни талаб қилади.

**МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ҳаракат усулини танлаб олиш дарвозабонга берилган зарбани қайтарувчи техник усулни тўғри ижро этиш имконини беради. Бунда дарвозабон: дарвозадаги ўз позициясини, тўпнинг учиш траекториясини (тўп юқоридан, пастдан, ён томонга яқинрокдан, узоқроқдан ва ҳоказо келаётганини); зарба кучини, яъни тўпнинг учиш тезлигини (тўпни илиб олиш томонига сурилиш ёки уни йиқила туриб илиш кераклиги шунга боғлик); ўз ўйинчилари ва рақиб ўйинчилари қандай жойлашганлигини (шунга қараб тўпни илиб олиш, қайтариб юбориш ёки ташқарига ўтказиб юбориш кераклиги ҳал қилинади); майдон ва тўпнинг аҳволини (тўпнинг сирти ва ер ҳўлми ёки қуруқ экани ва ҳоказо) эътиборга олади. Ҳаракат усулини аниқлаб олгандан кейин дарвозабон тегишли

техник усул ёрдамида уни амалга оширади. Дарвозадан чиққандаги ҳаракатлар: Ўйиндаги аҳвол дарвозабонни кўпинча дарвозани ташлаб чиқиб, жарима майдони доирасида ҳаракат қилишга мажбур этади. Бундай ҳолларда дарвозабон ё жарима майдони доирасига йўналтирилган (узатилган) тўпларни тутиб олади, ё бўлмаса тўпни қўлга киритиш учун рақиб билан яккама-якка кураш бошлайди (бунда тўп дарвозабон билан яккама-якка чиққан хужумчи назоратида бўлиши, учиб келаётган тўп эса «ҳеч кимда» бўлмаслиги керак). Дарвозабон қуйидаги ҳолларда дарвозани ташлаб чиқиши мумкин. – дарвозадан чиқиш ниҳоятда зарур бўлса; – дарвозабон тепалатиб узатилган тўпга ета олишига, яъни ўз ўйинчиларининг ва рақиб томон ўйинчиларининг жойлашиши бирмунча бемалол ҳаракат қилиш имконини беришига ишонса; – рақиб ғизиллатиб узатган тўп дарвоза яқинида ўтаётган бўлса. Дарвозабон қуйидаги ҳолларда дарвозани ташлаб чиқмаслиги керак: – тўпни қўлга киритиш учун керакли позицияга ўтиб улгуришига ишонмаса; – ҳимоячилардан бирортаси тўпни эгаллаган хужумчи билан ёки «нейтрал тўп» учун курашиб турган бўлса; – жарима майдони ўйинчиларга тўлиб кетиб, улар дарвозабоннинг керакли позицияга чиқишига халақит бериши мумкин бўлса. Ташлаб чиқилган дарвоза рақиб учун очилиб қолишини дарвозабон ҳамма вақт эсда тутиши, шунинг учун ҳам қандай бўлмасин, тўпни қўлга киритиб, хужумдагиларни зарба бериш имкониятидан маҳрум қилиши керак.

**Дарвозабоннинг хужумдаги ҳаракатлари:**

Ўйин вақтида тўпни қўлга киритгандан кейин ёки дарвозадан тепиш ҳуқуқини олгандан кейин, ўз командасининг хужум ҳаракатлари бошланғич босқичини уюштириб бериш дарвозабоннинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

**Дарвозадан тепишда хужум уюштириш:** Дарвозадан тепишда хужум уюштиришнинг икки хил усули бор: 1. Дарвозабоннинг тўпни қўлга киритиш ҳуқуқини олиши мўлжалланган комбинация. Дарвозабон тўпни ҳимоячилардан бирига, кўпроқ қанот ҳимоячисига оширади, у эса тўпни дарвозабоннинг ўзига қайтаради. Дарвозабон тўпни қўлга киритиб, хужумни турли усулда (қўлда ташлаб бериб, қисқа, ўртача ва узоқ масофаларга тепиб бериб) давом эттириши мумкин. Дарвозадан тепиб ўйин бошлаганда, ҳамма комбинациялар тренировка пайтида тўпни рақиб тутиб олишига йўл қўймайдиган даражада обдон ишланган бўлиши керак. 2. Тўпни очилган шериклардан бирига узатиб бериш. Дарвозабон тўпни қулай позицияга чиқиб очилган шерикларидан бирига оширади. Тўп қанча узоқ масофага узатилса, хужум шунчалик тез ривож топа олади, чунки бу хилдаги биринчи узатишдаёқ рақибнинг бир қатор ўйинчилари мудофаада фаол қатнашишдан маҳрум бўлиб қолади. Дарвозабон турли масофаларга тўп узатишнинг умумий қонунларини билиши шарт: тўп қанчалик қисқа масофага узатилса, уни олдириб қўйиш эҳтимоли шунчалик кам; қанчалик узоқ масофага узатилса, ўйин шунчалик кескинроқ бўлади. Шунинг учун тўпни қанот томонда очилган ўйинчига – қисқа масофага узатган маъқул, чунки рақиб тўпни тутиб қолганда ҳам, дарвозага бевосита хавф сола олмайди.

**Жавоб хужуми уюштириш:** Ўйин вақтида тўпни қўлга киритганидан кейин дарвозабон уни қўли билан узатиб, жавоб хужуми ҳаракатларини бошлаб беради ёки оёқ билан тепиб узатади. Бунда қўл билан ташланган тўп шерикка жуда аниқ йўналтирилса ҳам, қисқа масофага етиб боришини (тўғри, тўпни қўл билан 30-40 метрга етказиб берадиган дарвозабонлар ҳам бор), тепилганда эса, масофа узайсада, етказиб бериш

аниқлиги камайиб кетишини ҳисобга олиш керак. Дарвозабон жавоб ҳужуми бошланаётганда муайян тактик вазифани ҳал қилади, чунки бу вақтда унинг шериклари команда ҳаракатларининг тактик режасини амалга ошириш учун энг қулай позицияга чиқиш ниятида манёврлар қилишаётган бўлади. Бу вазифанинг тўғри ҳал этилиши командага ташаббусни қўлда сақлаш, рақибни ўзи учун қулай шароитда ўйнашга мажбур қилиш имконини беради. Дарвозабон жавоб ҳужуми уюштираётганда, ундан нима талаб қилинишини яхши билиши керак. Агар команда қанот ҳужумчиларининг тезкор ҳаракатларидан бот-бот фойдаланаётган бўлса, тўпни қанотдаги узоқ жойга узатиб бергани маъқул. Тўпни ўйинга киритиш усулини танлаш ёки жавоб ҳужумини бошлашда дарвозабон қуйидагиларга амал қилади: – дарвозадан тепиш ёки дарвозабон бошлайдиган жавоб ҳужумида команда ҳаракатларини уюштириш режаси; – ўйиндаги вазият ва шериклардан ҳар бирининг бу вазиятни қанчалик тез баҳолай билиши; – ўз ҳужумчиларининг «нейтрал тўп» учун рақибларга қарши, айниқса ҳавода яккама-якка кураши натижалар (агар ҳимоячилар осонгина ютиб чиқишаётган бўлса, тўпни юқорилатиб майдон марказига тепиб бериш мақсадга мувофиқ эмас ва, аксинча, рақиб тўпни йўлда тутиб қолишга интилиб ўйнаётган бўлса, унда тўпни узоқ жойга – ҳимоячилар орқасига узатиб беришдан фойдаланиш мумкин ва ҳоказо); – ўз дарвозаси хавфсизлигини (айниқса, қўл билан тўп узатаётганда) максимал сақлаб қолиш вазифаси.

**Шериклар фаолиятини бошқариш:** Ҳозирги вақтда бутун команданинг ҳужуми ва, айниқса, мудофаасини уюштиришни бошқармайдиган дарвозабонни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Дарвозабон ўйин вазиятини тезгина баҳолаб, ҳужумнинг йўналиши, страховка учун тўғри жойлашиб олиш тўғрисида шерикларига қисқа ва лўнда кўрсатмалар бериши шарт. Бу ишни у тўпни эътибордан четда қолдирмай, ҳатто ўзи кураш олиб бораётган пайтларда ҳам қилиши керак. Мудофаада ишонч билан ҳаракат қилиш, мудофаанинг барқарор ва мустаҳкам бўлиши кўп жиҳатдан дарвозабон билан ҳимоячиларнинг (биринчи галда марказий ҳимоячиларнинг) бир-бирларини ниҳоятда яхши тушунишларига боғлиқ. Бевосита дарвоза яқинида жарима тўпи ёки эркин тўп тепилаётганда, «девор» ясашга, шунингдек, бурчакдан тепиш пайтларида дарвозабоннинг бир ўзи бошчилик қилади. Дарвозабоннинг тактик тайёргарлигини такомиллаштиришда қуйидагилар кўзда тутилади: а) танланадиган ҳаракатларни аниқ, вақтида ва тез белгилаб олиш; б) дарвозада, жарима майдонида мўлжал ола билиш; в) юксак маҳорат билан «ўйинни ўқий олиш», яъни мудофаа ва ҳужумда ўйин шароитини аъло даражада тушуниш асосида шериклар билан ҳамкорлик қилиш. Кўпгина футбол мураббийлари,химоя чизиғида ўйнаган футболчилар рақиб жамоа томонидан тез қарши хужумга химояланиш химоячиларга катта қийинчиликни юзага келтиришни таъкидлашади. Уларнинг фикрича, бундай вазиятларда химоячилар қуйидагича тактик ўйин кўрсатишлари лозим. 1. Рақиб футболчининг биринчи тўп узатишни қай томонга беришни фахимлай олиш ва бу тўп узатишга тўсқинлик қилиш; 2. Рақибни хато қилишга, тўпни ўз жарима майдонига узатишга мажбур этиш; 3. Ўз жамоасининг хужумидан сўнг тезлик билан химояга қайтиш, рақиб хужумчиларни кўздан қочирмаслик. П. Казаков (1991) тез қарши хужумга химояда харакатланишни қуйидагича изохлашади. Химоячиларни тез хужумга қарши ўйинлари кўп холларда қийин кечади. Шунинг учун химояда жамоанинг ярим химоя футболчилари хам ёрдам беришлари керак. Ўйин жараёнида хужум уюштираётган икки хужумчи, икки химоясига қарши самарали харакатлана олишда ва дарвозага тўп киритишда қийин

вазиятга тушмайди. Химоячиларнинг кўп бўлиши бундай холатни юзага келтирмайди. Бутун бир жамоанинг химояда ўйин кўрсатиш рақиб жамоаларга қийинчилик туғдиради. Химоя тактикаси тўпни бошқармаётган жамоанинг харакатларини рақиблар хужумини бир ёқлик қиладиган нейтраллайдиган қилиб уюштиришни назарда тутади. Майдон марказида ўйнашнинг умум жамоа методи шахсий, зона ва аралаш бўлиши мумкин. Марказда ўйнашнинг тактик санъати рақибни қачон ўз холига қуймаслик ва уни тақиб этишни, қачон шерикларидан бирига бериб юбориш ва қачон зонада ўйнашни билишдан иборатдир. Химояланаётган жамоа харакатларининг хаммаси хужум қилаётганлар харакатига жавоб тариқасида бўлиб, рақиблар тактикасининг хусусиятларига қараб уюштирилади. Мудофаанинг яхши уюштирганлиги жамоага хужум харакатлари хам муваффақиятли бажариш имконини беради. Химоячиларнинг рақибдан қоидани бузмасдан тўпни олиб қўйиш катта махоратни талаб етади.

**ХУЛОСА.** Хулоса қилиб айтганда футбол бу алоҳида қобилият талаб қиладиган жамоавий ўйин ҳисобланади.Бунда ўйинчилар руҳан бирга бўлиши ва бир-бирини сўзсиз тушуна олиши, ҳаракатларнинг уйғунлиги ўйиннинг тақдирини ҳал қилади.

## REFERENCES

1. Абидов Ш. У. Ёш футболчиларни техник-тактик ҳаракатларини мусобақа шароитида баҳолаш ва самаладорлигини аниқлаш //Fan-Sportga. – 2020. – №. 6. – С. 17-19.
2. Абидов Ш. У. Корпоративная социальная ответственность в спортивной промышленности //Научный альманах. – 2017. – №. 4-3. – С. 398-400.
3. Абидов Ш. У., Уматқулов Ж. А. СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ–МАШҒУЛОТЛАРНИ АСОСИЙ МАҚСАДИ СИФАТИДА //Академические исследования в современной науке. – 2022. – Т. 1. – №. 18. – С. 4-8.
4. Керимов Ф. А., Абидов Ш. У., Садыков А. Г. ОЦЕНКА ПСИХОФИЗИОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ АТЛЕТОВ МЕТОДОМ БИОРЕЗОНАНСНОЙ СПЕКТРОСКОПИИ //Научно-педагогические школы в сфере физической культуры и спорта. – 2018. – С. 622-626.
5. Абидов Ш. У. ОЦЕНКА И ОПРЕДЕЛЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ТАКТИКО-ТЕХНИЧЕСКИХ ДЕЙСТВИЙ МОЛОДЫХ ФУТБОЛИСТОВ В СОРЕВНОВАТЕЛЬНЫЙ ПЕРИОД //ББК 1 Р76. – 2020. – С. 209.
6. Исраилов Ш. Х., Абидов Ш. У. ОБУЧЕНИЕ ТЕХНИКЕ ИГРЫ В ФУТБОЛ ЮНЫХ СПОРТСМЕНОВ С УЧЁТОМ ВОЗРАСТНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ //Известия Вузов. – 2009. – №. 7. – С. 326.
7. Абидов Ш. У. Анализ показателей экономической эффективности ОАО" ФК Бунёдкор" //Научный альманах. – 2017. – №. 4-3. – С. 395-397.
8. Абидов Ш. У. ЗАРБА БЕРИШ АНИҚЛИГИНИ КЕСКИН ЎЗГАРУВЧАН ВАЗИЯТЛИ МАШҚЛАР ЁРДАМИДА ШАКЛЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. Special Issue 1. – С. 130-135.
9. АБИДОВ Ш. ФУТБОЛ ЎРГАТИШДА ДАСТЛАБКИ ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲЛАРИДА ТЕХНИК-ТАКТИК КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ //O ‘zbekiston milliy universiteti xabarlari. – 2022. – Т. 1. – №. 7.

10. Abidov S. U., Igamberdiev O. R., Bozorov S. R. Yosh futbolchilar mashg ‘ulotlaridagi yuklamalari hajmini yoshga qarab o ‘zgarishining maxsus harakat sifatlariga ta’sir etishi. – 2022.
11. Abidov S. U. ISSUES OF MODERN SPORTS AND EFFECTIVE TRAINING OF FOOTBALLERS //АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПЕДАГОГИКИ. – 2021. – С. 107-109.
12. Abidov S. YOSH FUTBOLCHILARNING O ‘YIN DAVOMIDA TO ‘PNI QABUL QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH //Академические исследования в современной науке. – 2022. – Т. 1. – №. 17. – С. 136-140.
13. Usmanovich A. S. Study of the Quick-Power Quality Affecting the Technical-Tactical Actions Performed by 16-17-Year-Old Football Players during the Game //Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 17-21.
14. Алимжанов С. И., Ёкубов О. ПРОБЛЕМЫ ДЕТСКО-ЮНОШЕСКОГО ФУТБОЛА В ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТЕ //Академические исследования в современной науке. – 2022. – Т. 1. – №. 18. – С. 31-38.
15. Артиқов А. А. Футбол спорт турида дарвозага зарба бериш аниқлигини баҳолаш услубияти //Fan-Sportga. – 2022. – №. 1. – С. 48-51.
16. Артиқов А. А. Тўп узатишлар ва дарвозага зарбалар аниқлигининг таҳлили //Fan-Sportga. – 2020. – №. 4. – С. 35-37.
17. АРТИҚОВ А. А. ОФК КУБОГИ ЎЙИНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ ТЕХНИК УСУЛЛАРИ АНИҚЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ НАТИЖАЛАРИ //Фан-Спортга. – 2019. – №. 3. – С. 42-45.
18. АРТИҚОВ А. А. ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК УСУЛЛАРИ АНИҚЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАХСУС МАШҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ //Фан-Спортга. – 2020. – №. 3. – С. 16-18.
19. Artikov A. ABOUT SOME METHODOLOGICAL PROBLEMS IN TEACHING SPECIAL SCIENCES //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 7. – С. 379-384.
20. АРТИҚОВ А. А. ОСИЁ КУБОГИ-2019 ЎЙИНЛАРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ ДАРВОЗАГА ЙЎЛЛАНГАН ЗАРБАЛАР АНИҚЛИГИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛ //Фан-Спортга. – 2020. – №. 7. – С. 16-17.
21. Akbarovich A. A., Tagirovich I. S. Control of Technical Accuracy in the Training Process of Football Players //JournalNX. – С. 103-106.
22. Артиқов А. А. МУСОБАКА ШАРОИТИДА МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИЛАР ТОМОНИДАН БАЖАРИЛАДИГАН ТЕХНИК УСУЛЛАРНИНГ МАКСАДЛИ АНИКЛИГИНИ ТАХЛИЛ КИЛИШ //Фан-Спортга. – 2018. – №. 3. – С. 49-53.
23. Artikov A. EFFECT OF FATIGUE ON THE TARGET ACCURACY OF TECHNIQUES IN SPORTS GAMES //Журнал иностранных языков и лингвистики. – 2022. – Т. 6. – №. 6. – С. 21-30.
24. АРТЫКОВ А. А. КОНТРОЛЬ ТОЧНОСТИ ТЕХНИЧЕСКИХ ПРИЕМОВ В ТРЕНИРОВОЧНОМ ПРОЦЕССЕ ФУТБОЛИСТОВ //УНИВЕРСИТЕТСКИЙ СПОРТ: ЗДОРОВЬЕ И ПРОЦВЕТАНИЕ НАЦИИ. – 2020. – С. 244-251.

25. Артыков А. А. АНАЛИЗ ЦЕЛЕВОЙ ТОЧНОСТИ ИГРОВЫХ ПРИЕМОВ ФУТБОЛИСТОВ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ УРОВНЯ СПЕЦИАЛЬНОЙ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВЛЕННОСТИ //Физическое воспитание и студенческий спорт глазами студентов. – 2020. – С. 654-657.
26. АРТЫКОВ А. А. КОНТРОЛЬ ТОЧНОСТИ ТЕХНИЧЕСКИХ ПРИЕМОВ В ТРЕНИРОВОЧНОМ ПРОЦЕССЕ ФУТБОЛИСТОВ //УНИВЕРСИТЕТСКИЙ СПОРТ: ЗДОРОВЬЕ И ПРОЦВЕТАНИЕ НАЦИИ. – 2020. – С. 244-251.
27. Akbarovich A. A. ANALYSIS OF TESTS TO MEASURE THE TARGET ACCURACY OF TECHNICAL TECHNIQUES IN FOOTBALL PLAYERS //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2020. – Т. 8. – №. 3.
28. Артыков А. А., Шаймардонов Д. Б. ИССЛЕДОВАНИЕ ВЗАИМОСВЯЗАННОСТИ МЕЖДУ ПОКАЗАТЕЛЯМИ ОЦЕНИВАЮЩИМИ УРОВНИ РАЗВИТИЯ ФИЗИЧЕСКИХ КАЧЕСТВ, ПСИХОМОТОРНЫХ ПРОЦЕССОВ И ТОЧНОСТНЫХ ДЕЙСТВИЙ ЮНЫХ ФУТБОЛИСТОВ //Педагогические науки. – 2012. – №. 5. – С. 30-35.
29. Artykov A. A. Analysis of Target Accuracy of Attacking Actions by Highly Qualified Players //Eastern European Scientific Journal. – 2017. – №. 5. – С. 9-11.
30. Bektorov O. Y. THE ANALYSIS OF TECHNICAL AND TACTICAL ACTIONS OF PLAYERS OF THE NATIONAL TEAM OF UZBEKISTAN UP TO 15 YEARS IN THE CENTRAL ASIAN FOOTBALL ASSOCIATION U-15 (CAFA) //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. – 2019. – Т. 7. – №. 5.
31. Bektorov O. Y. Analysis of Technical and Tactical Actions Uzbekistan National Team under 15 Years in Central Asian Football Association U-15 (CAFA) //Eastern European Scientific Journal. – 2019. – №. 1.
32. Bektorov O. Y. Analysis of the Tactical Actions of the Players of the Olympic National Team of Uzbekistan in the Asian Championship (U-23) //Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 32-34.
33. Бекторов О. Ё. ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИ МУСОБАҚА ФАОЛИЯТИДАГИ ТАКТИК ЎЙИН ҲАРАКАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ //Fan-Sportga. – 2021. – №. 3. – С. 11-13.
34. БЕКТОРОВ О. Ё. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ ТЕХНИК-ТАКТИК ҲАРАКАТЛАРИДАГИ САМАРАДОРЛИК //Фан-Спортга. – 2019. – №. 1. – С. 41-43.
35. Бекторов О. Ё. ТАКТИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА ЮНЫХ ФУТБОЛИСТОВ //Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2020. – С. 117-120.
36. Abdikadirova N. S. et al. Football in Uzbekistan: Law, Leisure and Sociology //PSYCHOLOGY AND EDUCATION. – 2021. – Т. 58. – №. 1. – С. 1995-2002.
37. Bobomuradov B. K. LOGISTICAL AND FINANCIAL SUPPORT TO BE PROVIDED BY SPONSORS OF THE FOOTBALL CLUB //Инновационное развитие. – 2017. – №. 4. – С. 46-47.
38. Давлетмуратов С. Р., Бобомуродов Б. К. МЕТОДЫ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ФИЗИЧЕСКОЙ И ТЕХНИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВЛЕННОСТИ У ФУТБОЛИСТОВ ЮНОШЕСКОГО ВОЗРАСТА. – 2011.

39. Бекназаров Ш. Қ. Футболчиларнинг жамоадаги ҳужум ҳаракатларини тадқиқ қилиш //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. Special Issue 1. – С. 136-140.
40. Бекназаров Ш. Қ. ФУТБОЛЧИЛАР АНТРОПАРАМЕТРИК ЎЛЧАМЛАРИ ВА ТЕЗЛИК СИФАТИ ОРАСИДАГИ КОРРЕКЦИЯСИНИ ЎРГАНИШДА АКТДАН ФОЙДАЛАНИШ //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 402-409.
41. Казоқов Р. Т., Бекназаров Ш. Қ., Ибодов А. И. Футболчиларнинг антропометрик ўлчамлари ва тезлик сифатлари орасидаги корреляциясини ўрганишда акт дан фойдаланиш //Тиббиѐт ва спорт. – 2021. – Т. 1. – №. 10. – С. 27-30.
42. Rasulov A., Karimov A. YOSH FUTBOLCHILARNI O ‘YIN DAVOMIDAGI HUJUM HARAKATLARINI O ‘RGANISH //Академические исследования в современной науке. – 2022. – Т. 1. – №. 17. – С. 256-262.
43. Erkinovich R. A. Increasing the Efficiency of Technical-Tactical Actions of 16-17-Year-Old Football Players //Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 227-232.
44. Abidov S. U., Igamberdiev O. R., Bozorov S. R. Yosh futbolchilar mashg ‘ulotlaridagi yuklamalari hajmini yoshga qarab o ‘zgarishining maxsus harakat sifatlariga ta’sir etishi. – 2022.
45. Бозоров С. Р. Ў. СПОРТЧИЛАРНИ ШУҒУЛЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ (ФУТБОЛ СПОРТ ТУРИ МИСОЛИДА) //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 410-419.
46. Бозоров С. Р., Олимжонов Б. ДАСТЛАБКИ ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲИ БОСҚИЧИДА ШУҒУЛЛАНУВЧИ БОЛЛАРНИ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ //Академические исследования в современной науке. – 2022. – Т. 1. – №. 18. – С. 13-17.
47. Дачев О. В., Ирисбоев М. Т. Уровень подготовки специалистов по футболу в узбекистане //Проблемы педагогики. – 2021. – №. 1 (52). – С. 85-87.
48. Тангриев А. Т., Дачев О. В. Национальный спорт в вузе //Наука, техника и образование. – 2019. – №. 11 (64). – С. 69-71.
49. Разуваева И. Ю., Дачев О. В. ДОЗИРОВАНИЕ ФИЗИЧЕСКОЙ НАГРУЗКИ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ИНФОРМАЦИИ ЧАСТОТЫ СЕРДЕЧНЫХ СОКРАЩЕНИЙ //Физическая культура и спорт в структуре профессионального образования: ретроспектива, реальность и будущее. – 2017. – С. 333-336.
50. Дачев О. В., Нигманов Б. Б. Развитие скоростно-силовых качеств у студентов в учебно-тренировочной группе //Молодой ученый. – 2017. – №. 7. – С. 195-197.
51. Dachev O. V., Irisbayev M. T. GENERAL AND SPECIAL TRAINING OF THE FOOTBALL PLAYERS //АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПЕДАГОГИКИ. – 2021. – С. 104-106.
52. Igamberdiyev O. R. IMPORTANT ISSUES OF INCREASING THE PHYSICAL FITNESS OF STUDENTS IN GRADES 4-5 IN SECONDARY SCHOOLS //АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПЕДАГОГИКИ. – 2021. – С. 101-103.

53. Игамбердиев О. Р. ФУТБОЛ ТЎГАРАКЛАРИДА ШУҒУЛЛАНУВЧИ 4-5 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ //Fan-Sportga. – 2021. – №. 6. – С. 54-56.
54. Игамбердиев О. Р. АНАЛИЗ ОХВАТА УЧАЩИХСЯ 4-5 КЛАССОВ КРУЖКАМИ ПО ФУТБОЛУ ОРГАНИЗОВАННЫМИ В СРЕДНИХ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ //ББК 1 Р76. – 2020. – С. 224.
55. Игамбердиев О. Р. Причины возникновение мгд у спортстменов и пути лечение с помошью ЛФК //Вестник научных конференций. – ООО Консалтинговая компания Юком, 2016. – №. 4-2. – С. 74-76.
56. Игамбердиев О. Р. Умумтаълим мактабларида футбол тўгаракларини ташкил этиш тизими //Фан-Спортга. – 2020. – №. 3. – С. 56-58.
57. Игамбердиев О. Р. Functional-mental significance pre-match warm-up in footballers of high ranking //Вестник научных конференций. – ООО Консалтинговая компания Юком, 2016. – №. 4-2. – С. 74-74.
58. Игамбердиев О. Р. Daily protein quantities for footballers //Вестник научных конференций. – ООО Консалтинговая компания Юком, 2016. – №. 4-2. – С. 72-74.
59. Игамбердиев О., Бозоров Ф. ОСОБЕННОСТИ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ ФУТБОЛИСТОВ //Академические исследования в современной науке. – 2022. – Т. 1. – №. 17. – С. 169-173.
60. Igamberdiyev O. YOSH FUTBOLCHILARNI TANLAB OLISH VA SELEKSIYALASHDA YANGI TADQIQ QILISH USLUBIYATLARI //Академические исследования в современной науке. – 2022. – Т. 1. – №. 17. – С. 159-165.
61. МАХАМАДЖОНОВ Ф. Р. Оценка структуры соревновательной деятельности юных футболистов 13-17 лет //Фан-Спортга. – 2019. – №. 1. – С. 6-11.
62. Pirmatov O. Z., Makhamadjonov F. R. COMMERCIALIZATION OF THE SECTOR CONTRIBUTES //Инновационное развитие. – 2017. – №. 4. – С. 77-78.
63. Makhamadjonov F. R. THE STRUCTURE OF THE SPORTS ACTIVITIES MANAGEMENT OF" FC BUNYODKOR" //Инновационное развитие. – 2017. – №. 1. – С. 26-27.
64. Кадиров М. А. ЭФФЕКТИВНОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ СПЕЦИАЛЬНОЙ БЫСТРОТЫ И ТОЧНОСТИ УДАРОВ У ЮНЫХ ФУТБОЛИСТОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ РЕЗКО МЕНЯЮЩИХСЯ СИТУАЦИОННЫХ УПРАЖНЕНИЙ //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 473-480.
65. Shayaxmitov R., Ikromov R. BOSHLANG ‘ICH TAYYORLOV GURUHI FUTBOLCHILARINING TEXNIK TAKTIK TAYYORGARLIGINI OSHIRISH //Академические исследования в современной науке. – 2022. – Т. 1. – №. 17. – С. 248-255.
66. Хамдамов Р. М., Курязов Р. Особенности совершенствования технических элементов у футбольных вратарей //POLISH SCIENCE JOURNAL. – 2022. – Т. 7. – №. 46. – С. 152-155.
67. Adhamovich M. R. THE ANALYSIS OF LEVEL OF SPECIAL READINESS OF FOOTBALL PLAYERS OF" SUPERLEAGUE" OF UZBEKISTAN ON INDICATORS OF THEIR IMPELLENT ACTIVITY.

68. Muxammadov M. G., Usmonov M. YOSH FUTBOLCHI QIZLARNING TEZKOR KUCH SIFATLARINI TAHLIL QILISH //Академические исследования в современной науке. – 2022. – Т. 1. – №. 18. – С. 28-30.
69. Мухаммадов М. Г. Оценка динамики метрологических показателей в развитии профессиональных квалификаций 13-14 летных молодых футболистов //Научный альманах. – 2018. – №. 7-1. – С. 107-109.
70. Мухаммадов М. Г. Улучшение скорости молодых игроков анализа динамики метрологических показателей //Научный альманах. – 2018. – №. 7-1. – С. 110-112.
71. Пирматов О. З. ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИ ЎЙИН ЖАРАЁНИДАГИ ТЕХНИК ВА ТАКТИК ҲАРАКАТЛАР ТАХЛИЛИ //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 428-433.
72. Пирматов О. З. ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ФИЗИЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ ЮНЫХ ФУТБОЛИСТОВ //СИСТЕМА МЕНЕДЖМЕНТА КАЧЕСТВА В ВУЗЕ: ЗДОРОВЬЕ, ОБРАЗОВАННОСТЬ, КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬ. – 2019. – С. 190-193.
73. Pirmatov O. Z. TECHNICAL TRAINING IS THE BASIS OF FOOTBALL SKILLS //АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПЕДАГОГИКИ. – 2021. – С. 98-100.
74. Пулатов С. Н. АНАЛИЗ СОСТАВА ТЕЛА У ФУТБОЛИСТОВ 18-19 ЛЕТ, КАК ФАКТОРА, ВЛИЯЮЩЕГО НА УРОВЕНЬ ИХ СПЕЦИАЛЬНОЙ ВЫНОСЛИВОСТИ НА РАЗЛИЧНЫХ ЭТАПАХ ГОДИЧНОГО ЦИКЛА //Fan-Sportga. – 2021. – №. 8. – С. 55-56.
75. Пулатов С. Н. ФУТБОЛЧИ АЁЛЛАРНИ МУСОБАҚА ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. Special Issue 1. – С. 179-184.
76. ПЎЛАТОВ С. Н. 14-16 ёшли футболчилар ҳужумларини ташкил қилишларида ҳажм ва сифат кўрсаткичларини таҳлили //Фан-Спортга. – 2020. – №. 3. – С. 26-28.
77. Пулатов С. Н., Шукурова С. С. Анализ Нагрузок, Направленных На Совершенствование Специальной Выносливости В Подготовке Футболистов 18-19 Лет //Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 94-102.
78. Pulatov S. N. Factors affecting the special endurance of the body structure of football players aged 18-19 years //Eurasian Journal of Sport Science. – 2022. – Т. 2. – №. 1. – С. 116-119.
79. Қутлимуратов И. Х. Футболчиларнинг турли йўналишлардаги тўпни ошириб бериш ҳаракатларини ўрганиш //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. Special Issue 1. – С. 146-151.
80. Қутлимуратов И. Х. ФУТБОЛ БЎЙИЧА БОШ ҲАКАМЛАРНИНГ ТЕЗКОР ЧИДАМКОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 1743-1751.
81. ҚУТЛИМУРАТОВ И. Х. ФУТБОЛ АКАДЕМИЯСИГА 9-10 ЁШЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ //Фан-Спортга. – 2020. – №. 8. – С. 38-40.
82. Raxmonberdiyev E. B. THE SYSTEMS OF CORPORATE GOVERNANCE FC BUNYODKOR //Инновационное развитие. – 2017. – №. 4. – С. 81-83.

83. Shaymardanov D. B. LEGAL AND REGULATORY REQUIREMENTS RELATING TO CORPORATE GOVERNANCE PRACTICES //Инновационное развитие. – 2017. – №. 4. – С. 101-102.
84. Шаймарданов Д. Б. Ёш футболчиларда анъанавий ва оптималлаштирилган техник тайёргарликка хос юкламалар хажмини махсус ҳаракат сифатларига таъсир этиш динамикаси //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. Special Issue 1. – С. 141-145.
85. Туляганов А. А. ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ СИММЕТРИЯ ВА АСИММЕТРИЯ ҲАРАКАТЛАРИ БЎЙИЧА АНКЕТА СЎРОВНОМА ТАҲЛИЛИ //Fan-Sportga. – 2022. – №. 2. – С. 20-23.
86. Turdibayev I., Karimov I. YOSH FUTBOLCHILARNI TEZKORLIK SIFATINI MAXSUS MASHQLAR ORQALI RIVOJLANTIRISH USULLARI //Академические исследования в современной науке. – 2022. – Т. 1. – №. 17. – С. 285-292.
87. Хакимжонов З. А. Ў. БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲИ ФУТБОЛЧИЛАРИНИ ТЕХНИКТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ЎРГАНИШ //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 448-456.
88. Юсупов Н. М. ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИДА БОЛАЛАР ФУТБОЛИНИНГ РИВОЖИ //Fan-Sportga. – 2020. – №. 3. – С. 51-53.
89. Исеев Ш. Т., Юсупов Н. М., Косимов Ф. А. АНАЛИЗ УРОВНЯ СПЕЦИАЛЬНОЙ ВЫНОСЛИВОСТИ У ФУТБОЛИСТОК ВЫСОКОЙ КВАЛИФИКАЦИИ //Fan-Sportga. – 2022. – №. 1. – С. 40-41.
90. ЮСУПОВ Н. М., ДАВИДОВ Б. Б. ОЦЕНКА УРОВНЯ СПЕЦИАЛЬНОЙ ВЫНОСЛИВОСТИ У ФУТБОЛИСТОВ 16-17 ЛЕТ, ВЫСТУПАЮЩИХ В МОЛОДЕЖНОМ ПЕРВЕНСТВЕ УЗБЕКИСТАНА //Фан-Спортга. – 2020. – №. 6. – С. 22-24.
91. Юсупов Н. М., Кошбахтиев И. А. ХАРАКТЕРИСТИКА ТЕХНИКО-ТАКТИЧЕСКИХ ДЕЙСТВИЙ ФУТБОЛИСТОВ В ПРОЦЕССЕ ИГРОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ //Физическая культура и спорт в структуре профессионального образования: ретроспектива, реальность и будущее. – 2020. – С. 330-332.
92. Мустафоева Н. А., Юсупов Н. М. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИГА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ //Ученый XXI века. – 2022. – №. 5-2 (86). – С. 77-78.
93. Исеев Ш. Т., Юсупов Н. М. Оценка уровня функциональной подготовленности юных футболистов 16-18 лет //TAЪLIM, FAN VA INNOVATSIYA. Маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал. Ташкент. – 2015. – №. 2.
94. Умаров, Н. Х. "МЕТОД РАЗВИТИЕ СКОРОСТНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ У ФУТБОЛИСТОВ 14-15 ЛЕТ." Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS) 2.2 (2022): 481-491.
95. Mirqosimov M. FUTBOLCHI QIZLARNING ASOSIY JISMONIY SIFATLARINI OSHIRISH //Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 548-552.
96. Yuldashev M. R. IMPROVING COORDINATION SKILLS OF FEMALE FOOTBALL PLAYERS //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 4. – С. 246-251.

97. Artikov F. B., Yuldashev M. R. MAIN ISSUES OF FC GOVERNANCE //Инновационное развитие. – 2017. – №. 4. – С. 98-99.
98. Yuldashev, Murodjon Ravshanovich. "IMPROVING COORDINATION SKILLS OF FEMALE FOOTBALL PLAYERS." Scientific Bulletin of Namangan State University 1.4 (2019): 246-251.